



ОЧИЛОВ ОЗОДЖОН

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, ТДШУ

Хитой мумтоз шеъриягининг ретмик парадигмаси

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-05>

Аннотация. Хитой замонавий ва мумтоз шеърияти ўртасида бир қанча фарқлар мавжуд бўлиб, энг яққол кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири шеър ритмикасига нисбатан қўйилган қатъий қонун-қоидалар билан боғлиқдир. Танг даврига келиб (милодий VII асрдан бошлаб) ритмга катта эътибор берилиб, айниқса, биринчи оҳанг мослигига алоҳида аҳамият қаратилди. Оҳанглар асосида ҳосил қилинувчи ритмик шеърият Танг даврига келиб тўла шаклланди ва бир қатор қатъий қоидалар ишлаб чиқилди. Бу қоидалар 20-асрнинг бошларига қадар амалда бўлди. Куйида юқорида таъкидлаб ўтган қадимги шеъриятига хос ритмик парадигманинг хос хусусиятларини атрофлича кўриб чиқамиз, бу эса бизга 19-аср охирларига келиб Хитойда авж ола бошлаган янги шеърият ислоҳотларининг моҳиятини англашига йўл очади.

Таянч сўз ва иборалар: замонавий шеърият, мумтоз шеърият, ритм, оҳанг, янги услуб.

Аннотация. Есть несколько различий между современной и классической китайской поэзией, и один из самых ярких аспектов связан со строгими правилами, накладываемыми на ритм стихотворения. К периоду Тан (с 7 века н.э.) большое внимание уделялось ритму, особенно гармонии первого тона. К танскому периоду полностью сформировалась ритмическая поэзия, основанная на мелодиях, и был выработан ряд важных правил. Это заведение действовало до начала 20 века. Ниже мы более подробно остановимся на характерных чертах ритмической парадигмы античной поэзии, о которой говорилось выше, что дает нам представление о новой поэтической коррекции, развивавшейся в Китае к концу XIX века.

Опорные слова и выражения: modern poetry, classical poetry, rhythm, tone, new style.

Abstract. There are several differences between modern and classical Chinese poetry, and one of the most obvious is related to the strict rules imposed on the rhythm of the poem. By the Tang period (from the 7th century AD), much attention was paid to rhythm, especially to the harmony of the first tone. Rhythmic poetry based on melodies was fully formed by the Tang period and a number of strict rules were developed. These rules were in force until the beginning of the 20th century. Below we will take a closer look at the characteristic features of the rhythmic paradigm of ancient poetry. These features will help us understand the essence of the revolutionary poetry reforms that began to flourish in China at the end of the 19th century.

Keywords and expressions: new poem, poetic revolution, baihua, evolution, literary schools.

Хитой замонавий ва мумтоз шеърияти ўртасида бир қанча фарқлар мавжуд бўлиб, энг яққол кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири шеър ритмикасига нисбатан қўйилган қатъий қонун-қоидалар билан боғлиқдир. Хитой анъанавий шеъриягининг ривожланиш тарихи икки босқичдан иборат: биринчи босқич Танг давригача бўлган шеърият бўлиб, бу босқич шеъриятида оҳанглар мослиги, мисраларда бўғинлар мослиги қаби қоидаларига амал қилишга уриниб келишган бўлсада, бироқ оҳангларнинг ўзаро мослиги борасида ҳамон қатъий қоидалар шаклланмаган эди. Шу сабабдан ҳам бу босқич шеъриятини нисбатан эркин бўлган деб баҳолаш мумкин. Танг даврига келиб (милодий VII асрдан бошлаб) иккинчи босқич бошланди. Бу икки босқич ўртасидаги фарқ айнан вазн хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бу босқич шеъриятида вазнга катта эътибор берилиб, айниқса, биринчи оҳанг мослигига алоҳида аҳамият қаратилди. Оҳанглар асосида ҳосил қилинувчи вазнли шеърият Танг даврига келиб тўла шаклланди ва бир қатор қатъий қоидалар ишлаб чиқилди. Бу қоидалар 20-асрнинг бошларига қадар амалда бўлди. Куйида юқорида таъкидлаб ўтган қадимги шеъриятига хос ритмик парадигманинг хос хусусиятларини атрофлича кўриб чиқамиз, бу эса бизга 19-аср охирларига келиб Хитойда авж ола бошлаган янги шеърият ислоҳотларининг моҳиятини англашга йўл очади.

1. Шеърда иероглифлар сонининг қатъийлиги. Янги услуб шеърияти таркиби вазнли шеър ва тўртликдан иборат. Вазнли шеър одатда саккиз мисрадан ташкил топади. Шунингдек, мисралар сони саккизтадан ошувчи шеърий шакллар ҳам мавжуд бўлиб, 160 қаторгача етиши мумкин, бироқ мисралар сони албатта жуфт бўлиши шарт. Янги



услубдаги шеърларнинг ҳар мисраси асосан беш ёки етти бўғинли бўлиши унинг асосий ва муҳим шартларидан бири (хитой тилида бир иероглиф бир бўғинга teng) хисобланади.

花(1)间(2)一(3)壺(4)酒(5), 独(1)酌(2)无(3)相(4)亲(5)。

举(1)杯(2)邀(3)明(4)月(5), 对(1)影(2)成(3)三(4)人(5)。 (李白)

Ушбу шеърий парча беш бўғинли шеър бўлиб, ўз навбатида, ҳар бир мисра беш иероглифдан ташкил топган.

2. Қофия. Қадимги хитой шеъриятида қофия ҳақида сўз очишдан олдин хитой тилида бўғин ва унинг таркиби хусусида тўхталиб ўтмоқ лозим. Хитой тилида бўғин одатда инициал (*shengmu*) ва финал (*yupmu*)нинг бирикуви орқали юзага келади. Бўғиннинг биринчи ундош товуши инициал, қолган қисми эса финалдир. Масалан, 唐 иероглифининг транскрипцияси táng, бу ерда т инициал, áng эса бўғиннинг финал қисми ҳисобланади. Хитой поэзиясида (қадимги, замонавий) айнан финалларнинг ўзаро мослиги асосида қофия ясалади. Масалан, 唐 táng, 狼láng, 章zhāng, 苍cāng каби сўзларнинг барчасида финал ang ва улар ўзаро қофиядошдир. Иероглифлар транскрипциясида мавжуд *a*, *e*, *o* унли товушлари билан тугаган бўғинлардан олдин *i*, *u*, *ü* каби товушлар қўшилиб келиши мумкин. Масалан, *ia*, *ua*, *uai*, *iao*, *ian*, *uap*, *üap*, *iang*, *uang*, *ie*, *üe*, *iong*, *ueng* ва ҳ.к. Бунда *i*, *u*, *ü* хитой тили фонетик қоидаларига биноан воситачи товуш ҳисобланади ва воситачи товушлари турлича бўлган бўғинлар хам ўзаро қофиядошдир. Масалан:

昼出耘田夜绩麻 (ma),

村庄儿女各当家 (jia).

童孙未解供耕织,

也傍桑阴学种瓜 (gua)。 (范成大)

麻, 家, 瓜 сўзларининг финали *a*, *ia*, *ua*, финаллар тўлиғича бири-бирига мос бўлмаса-да, улар қофиядош.

Айрим ҳолларда қадимги шеърията баъзи бўғинларнинг ҳар қандай қоидага мос келмаслигини кузатиш мумкин. Ванг Ли бунга сабаб сифатида қуйидагиларни кўрсатади: тил тараққий этади, ўз навбатида, товушларда ўзгаришлар рўй беради, биз қадимги шеъриятни ҳозирги давр транскрипция қоидаларидан келиб чиқиб ўқиганимизда, табиий равища ўхшаш бўлмаган жиҳатларга дуч келамиз¹. Масалан:

远上寒山石径斜(xie),

白云深处有人家(jia).

停车坐爱枫林晚,

霜叶红于二月花(hua)。 (杜牧)

xie билан *jia*, *hua* ўзаро қофиядош эмас, бироқ қадимда 斜 иероглифи *xiā* тарзида талаффуз қилинган².

Қадимги Хитойда маҳсус қофия луғатлари (韵书) яратилган бўлиб, бундай луғатларнинг пайдо бўлиши асосан Хан сулоласи (мил. авв.206 - мил. 220 йиллар) даврига тўғри келади³. Танг даврида яратилган қофия луғати нисбатан мукаммал тузилганлиги боис кейинги даврларда ижод қилган шоирлар учун хам асосий қўлланма сифатида қолаверди. Шу сабаб ҳам тилда товуш ўзгаришлари ҳисобга олинмади ва қофия борасида баъзи ноқисликлар юзага келди⁴.

3. Оҳанг. Хитой тилининг ўзига хослиги ундаги оҳанг билан белгиланади. Товушнинг баланд-пастлиги, қўтарилиши-пасайиши, чўзиқлиги -қисқалиги хитой тили оҳангларини

¹ 王力: 诗词格律—北京: 中华书局, 2000. 第3页.

² 辞海: -上海: 上海辞书出版社, 1999年, 第四卷, 第2357页.

³ Ўша манба. -Б.: 2654

⁴ 王力: 诗词格律, -北京: 中华书局, 2000. 第4页.



хосил қиласы. Ҳозирги хитой тили (путунхуа) ва қадимги хитой тилидаги оңанларда баъзи фарқлар мавжуд.

Тўрт оңанг ва бўгин муносабати бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиб, қофиялар китобида келтирилган маълумотларга суннадиган бўлсак, икки ёки ундан ортиқ сўзнинг финаллари ўзаро қофиядошлик учун мос келса-да, бироқ уларнинг оңанлари ўхшаш бўлмаса, бундай финаллар қофиядош ҳисобланмайди, бу каби бўгинлардан шеъриятда қофия сифатида фойдаланишнинг иложи йўқ.

Бир иероглифнинг икки хил ўқилиши ўз навбатида, икки маъно англатишига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Қадимги хитой тилида бундай ҳолат ҳозирги даврга қараганда жуда кўп учрайди¹. Масалан, 为 иероглифи феъл сифатида фойдаланилганда биринчи оңангга, қўмакчи вазифасида келганда эса тўртинчи оңангга хосдир.

Баъзи иероглифлар аслида биринчи оңангга хос бўлиб, кейинчалик улар тўртинчи оңангга ўзгарган, бироқ маъно хусусияти сақланган. Чунончи, 望 (wang), 叹 (tan), 看 (kan)" каби иероглифлар шу туркумга оид.

Иккинчи босқич қадим шеъриятининг оңанлар мослиги борасидаги қоидалари бир оз мураккаб бўлиб, оңанларнинг ягона вазифаси шеърнинг мусиқийлигини таъминлашдан иборатдир. Қадимги хитой тилида 平仄 pingze термини мавжуд бўлиб, шеър вазнларини ҳосил қиласи ва оңанлар мослигини юзага келтиради. Қадимги хитой шеъриятида оңанлар икки гуруҳга ажратилган. Биринчиси, 平 ping биринчи оңанг, яъни чўзиқ оңангни англатган; иккинчиси, 仄 ze иккинчи (оңанг талаффузи паст овоздан юқорига), учинчи (оңангнинг тўлқинли талаффузи) ва тўртинчи (оңанг талаффузи юқоридан пастга)лардан ташкил топади. Оңанлар қуидаги асосларга кўра иккита гуруҳга ажратилган: Ping оңангда товуш талаффузининг кўтарилиши ва пасайиши кузатилмайди, у нисбатан чўзиқ; ze оңанглар гуруҳи эса ўзида учта оңангни мужассамлаштириб, товушларнинг кўтарилиши, пасайиши, қисқа талаффуз каби меъёрларни қамраб олади.

4. Бешлик ва еттилик вазн. Қадимги услуб шеъриятида мисраси беш ёки етти бўгиндан иборат шеър шакллари ривожланган, Танг даврига келгач, уларга нисбатан белгиланган қоида ва мезонлар қатъйлашиб, бешлик ҳамда еттилик вазн, деб аталганди.

Бешлик ва еттилик вазннинг ҳосил бўлиши борасида сўз юритишдан олдин, янги услугба хос оңанлар муносабати ҳакида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Оңанлар мослашуви фақат икки хил кўринишида намоён бўлиши мумкин (куйида “—”белгиси pingни, “|” белгиси ze ни англатади) :

— — || | | —

Бу фақат тўрт бўгинли шеърларга хос бўлиб, беш бўгинли шеърларга юқоридаги асос сақлаб қолинган ҳолда яна бир оңанг қўшилади (қўшилган оңанг остида “.”белгиси билан кўрсатилади) ва қуидагича ҳосил қилинади:

a) | | — — |
(в) — — — | |

(б) — — | | —
(г) | | | — —

Бу тўрт асосий оңанлар мослашуви бўлиб, (а) ва (в) да ze оңangi мисра охирида келган бўлса, (б) ва (г) да ping оңangi мисра охирида воқеланмоқда. Қофия одатда ping оңангига мослашади, ҳар байт биринчи мисрасининг сўнги албатта ze билан тугаши, иккинчи мисра эса ping оңangi билан якунланиши шарт. Шу сабабдан ҳам (а) ва (в) шаклларини фақат биринчи мисрада, (б) ва (г) шаклларини эса фақат иккинчи мисрада кўллаш мумкин. Янги услуб шеъриятида байтнинг иккинчи мисраси албатта ping оңангда бўлиш кераклиги талаби қўйилгани учун одатда байтлар (а)+(б) ёки (в)+(б) кўринишида бўлади. Шеърнинг биринчи мисраси қайси оңанг шаклидан бошланишига кўра беш бўгинлик шеърнинг икки шакли юзага келади:

¹ Ўша манба: -Б.: 6.



- ❖• ————— •❖•
- (1)
- (а) | | —— | , (б) —— | | —
- (в) —— — | | , (г) | | | ——
- (а) | | —— | , (б) —— | | —。
- (в) —— — | | , (г) | | | ——
- (2)
- (в) —— — | | , (г) | | | ——。
- (а) | | —— | , (б) —— | | —。
- (в) —— — | | , (г) | | | ——。
- (а) | | —— | , (б) —— | | —。

Баъзан беш бўғинли шеърнинг қофияси биринчи мисрадан бошланиши мумкин. Қофия биринчи мисрадан бошланар экан, ўз-ўзидан бу мисранинг сўнги *ping* оҳангни билан тугаши шарт. Демак, бундай ҳолатда оҳанглар мослашувининг тубандаги икки кўриниши юзага келади:

- (1)
- (г) |||— —, (б) —— ||—。
- (в) —— —||, (г) |||— —。
- (а) ||— —|, (б) —— ||—。
- (в) —— —||, (г) |||— —。
- (2)
- (б) —— ||—, (г) |||— —。
- (а) ||— —|, (б) —— ||—。
- (в) —— —||, (г) |||— —。
- (а) ||— —|, (б) —— ||—。

Янги услуб беш бўғинли шеърларнинг оҳанглар мослашув мезони юқоридаги ана шу тўртта шаклга асосланади. Таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда қофияни тўла таъминлаш учун мисра охиридаги сўз оҳангни тўсқинлик қилганда, талаффузи бир хил, аммо оҳангни бошқа, матнга алоқадор бўлмаган сўзлардан фойдаланиш ҳам кузатилади. Бу ҳолат хитой мумтоз шеъриятини таржима қилиш жараёнида изланувчидан алоҳида билим ва малакани талаб этади.

Етти бўғинли шеърларнинг оҳанг мослашуви айнан беш бўғинли вазн сингари бўлиб, қандай шакл қўлланишига мувофиқ равишда ҳар бир мисра бошига дастлабки икки оҳангга зид *ping* ёки *ze* қўшиб борилади:

- (а) ˉ ˉ | | —— | , (б) !!— — | | —。
- (в) ! | —— — | | , (г) ˉ ˉ | | ——。

Етти бўғинли шеърлар оҳанг мослашувининг тўртта шакли ҳам айнан (а), (б), (в), (г) ларнинг ўзаро алмашинувидан юзага келади.

Қадимги мумтоз шеъриятнинг ритмик парадигмаси асосан юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга бўлиб, асрлар давомида кичик-кичик ўзгаришлар билан бўлсада, XX асрга қадар амалда бўлиб келди. Чинг империясининг сўнгти йилларига келиб ҳалқ манфаатларига зид келувчи анъаналар, феодал тартибларга қарши ҳаракатлар юзага кела бошлади. Бу ҳаракатлар адабиётда, хусусан шеъриятда ҳам пайдо бўлиб, қадимги шеъриятга хос мураккаб қонун-қоидалардан воз кечиш, янгича, эркин, ҳалқона шеъриятга интилиш билан намоён



бўлди ва сўнгги Чинг империяси истибодига қарши кўтарилиган исённинг маънавий рамзига айланди.

Шу тариқа XX асрнинг бошларига келиб ижтимоий таназзул жиддий тус олди, инқилоб фоялари жаддаллашиб бораверди. Илғор зиёли қатлам бундай пайтда адабиётни ислоҳ қилиш заруриятини янада чукурроқ англаб етишди. Тилдаги ўзгаришлар табиий равища шеъриятнинг ҳам эврилишини келтириб чиқарди. Гонг Зижэн, Лянг Чичао каби шоирлар оғзаки нутк ва от сўз туркумига оид янги сўзларни шеъриятга киритди, Хуанг Зунсян “Оғзим айтганини кўлим ёзади” шиори асосида ижод қилди, Ма Чюнвунинг шаклан эркин бўлган шеърияти пайдо бўлди. Уларнинг шеърияти қадимги хитой шеърияти анъаналарини йўққа чиқара бошлади. Яна бир нарса аҳмиятга молик, империянинг сўнгти йилларида шеърият фольклор қўшикларнинг ритми, лексикаси, тили, кофия эркинлиги, гап тузилиши, халқоналиги каби хусусиятларини сингдира бошлади. Бу адабиётдаги улкан “ўтиш даври” эди. “Байхуа”да шеър ёзишни ақлга сиғдириб бўлмас, ҳаттоқи кечириб бўлмас хато ҳисобланган замонда янги шеъриятни ислоҳ қилиш анча мураккаб ҳодиса бўлишига қарамай, бир қатор ижодкорлар ўз қарашларини баралла айтишни бошлади. Айрим ижодкорлар Лю Язининг қарашлари ортидан эргашди: “Адабиёт инқилоби, инқилоб бизнинг сийратимизда, суратимизда эмас. Сурат эскича, сийрат янгича бўлиши даркор...шеърий асарларнинг манбаси бир аммо ўзани бошқадир ”. Янги замон тафаккури ва инқилоб рухияти зимдан етилиб келаётган бўлсада, тил ва классик қоидаларни сақлаб қолишга курашаётганлар ҳамон кўп бўлиб, янги шеъриятни, янги мазмун, янги рухият, янгича услубни оммалаштириш мураккаб кечди. Эски услуб, эски шакл ёрдамида янги мазмун ифодалашга уринишлар шиддат билан борди, амалда мувваффакиятсизликка учради. Шундай бўлсада, Лонг Чуанминг таъкидлаганидек, янги мазмун эски қолилларда берилиши билан бир қаторда шеърият аста секинлик билан янги шакл томон ҳаракатланаётган эди¹.

¹ 龙泉明：《中国新诗流变论1917-1949》，人民文学出版社，1999年版，第20页。

